



INNOVATIVE METHODS OF LEARNING THE SUBJECT "LABOR PROTECTION" IN THE FIELD OF LIFE SAFETY EDUCATION

Yuldashev O.R.

Ph.D., Associate Professor of HMM and OHT, +983682991

Фр FVV in the presence of the Institute of Civil Defense.

Rakhimzhanova D.H.

Teacher of the department of HMM and OHT, +935404156

Фр FVV in the presence of the Institute of Civil Defense.

Annotation

Reforming and improving the education system in Uzbekistan is one of the priority tasks. This, in turn, requires updating educational literature on this topic, taking into account the requirements of the present and the latest achievements of science, the introduction of innovative and educational technologies into the educational process. The article discusses the use of brainstorming methods, case studies, work in small groups in the educational process, as well as the advantages and disadvantages of these methods.

Keywords: technology, innovative technologies, interactive methods, labor protection, brainstorming, case studies.

Аннотация

Ўзбекистон таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш устивор вазифалардан биридир. Бу эса, ўз навбатида ўқув фанлар бўйича ўқув адабиётларини ҳозирги давр талаби ва илм-фанинг сўнгти ютуқларини ҳисобга олган холда янгилаб бориш, таълим жараёнига инновация ва таълим технологияларини жорий этишни тақозо этмоқда. Мақолада таълим жараёнида ақлий хужум, кейс стади, кичик гурухларда ишлаш методларидан фойдаланиш ва ушбу методларнинг афзаллиги ҳамда камчиликлари ёритилган.

Аннотация

Реформирование и совершенствование системы образования Узбекистана является одним из приоритетных задач. Это, в свою очередь, требует обновления учебной литературы по данной тематике с учетом требований современности и последних достижений науки, внедрения инновационных и образовательных технологий в учебный процесс. В статье рассматривается использование методов



мозгового штурма, кейс-стади, работы в малых группах в учебном процессе, а также преимущества и недостатки этих методов.

Калит сўзлар: Технология, инновацион технологиялар, интерфаол методлар, меҳнат муҳофазаси, ақлий ҳужум, *кейс-стади*.

Ключевые слова: технология, инновационные технологии, интерактивные методы, охрана труда, мозговая атака, кейс-стади.

Кириш. Ҳозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишининг замонавий инновацион технологиялари кенг қўлланилмоқда. Ўқитишининг замонавий инновацион технологияларини қўллаш ўқитиши жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълимда инновацион технологияларни танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади[1,2]. Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган холда, унга турли-туман таълим оловчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш таълим оловчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим оловчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, бахс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиха, ролли ўйинлар каби инновацион технологияларни қўллаш ва таълим оловчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади[3,4].

Бу методларни интерфаол ёки интерактив методлар деб ҳам аташади. Интерфаол методлар деганда - таълим оловчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим оловчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим оловчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим оловчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим оловчи марказда бўлган ёндошувнинг фойдали жиҳатлари қуидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиш-ўрганиш;
- таълим оловчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олиниши;
- ўқиш шиддатини таълим оловчининг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши;
- таълим оловчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-куватланиши;



- амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.

Материаллар ва усуллар. Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқатворнинг андозаларини ўзгартириш Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир[5,6]. XXI асрда Ўзбекистон таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш устивор вазифалардан биридир. Бу эса, ўз навбатида хуқуқшунос олимларимиз зиммасига тегишли ўқув фанлари бўйича ўқув адабиётларини ҳозирги давр талаби ва илм-фаннинг сўнгги ютуқларини ҳисобга олган холда янгилаб бориш, таълим жараёнига инновация ва таълим технологияларини жорий этишни тақозо этмоқда.

Инсонлар фаолияти жараёнида унинг хавфсизлигини таъминлаш бугунги кунда долзарб сиёсий масалалардан биридир. Шу сабабли, мустақил Республикамизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири ҳам ишчихизматчилар, аёллар ва болаларнинг, шу жумладан, балоғат ёшига етмаган болаларнинг меҳнат шароитини тўғри ташкил этишдан иборат. Меҳнат муҳофазасини таъминлаш жуда кўп жиҳатдан меҳнатни тўғри ташкил этиш масалалари билан узвий боғлиқдир.

Касбий соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик саноатнинг барча тармоқлари, бизнес ва тижоратнинг жумладан, анъанавий саноат, ахборот технологиялари компаниялари, соғлиқни сақлаш хизмати, меҳрибонлик уйлари, мактаблар, университетлар, дам олиш масканлари ва идораларга тегишлидир [7].

Инновацион таълимнинг асосий мақсади таълим олувчиларда келажакка масъулият ҳиссини ва ўз-ўзига ишончни шакллантиришdir. Ж.Боткин бошчилигидаги олимлар гуруҳи “Рим клуби” маъruzасида инновацион таълимни анъанавий, яъни “норматив” таълимга муқобил сифатида билимларни эгаллашни асосий тури сифатида тавсифлади. Нормативли таълим “такрорланувчи вазиятларда фаолият хулқатвор қоидаларини ўзлаштиришга йўналтирилган” бўлса, инновацион таълим янги вазиятларда биргаликда ҳаракатланиш қобилиятини ривожлантиришни кўзда тутади[8,9].

Илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши жамиятнинг иқтисодий тараққий эттириш билан бир қаторда ижтимоий муносабатлар мазмунида ҳам туб ўзгаришларнинг рўй беришига замин яратмоқда. Шунингдек, иқтисодий соҳада бўлгани сингари ижтимоий, шу жумладан, таълим соҳасида ҳам технологик ёндашувни татбиқ этишга катта аҳамият қаратилмоқда[10].



“Технология” юонча сўз бўлиб, “techne”-маҳорат, санъат ва “logos”- тушунча, таълимот, фан маъносини англатади. Таълим технологияси иборасининг маъноси - (инглизча “An educational technology) таълим жараёнини юксак маҳорат билан санъат даражасида ташкил этиш тўғрисида маълумот берувчи фан, таълимот демакдир. Айни вақтда мазкур тушунчанинг таърифи ҳамда унинг моҳияти борасида ягона ғоя мавжуд эмас. Бу назария моҳиятининг ёритилишига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд.

“Педагогик технология” - бу таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини қўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, татбиқ этиш ва белгилашнинг изчил методидир” (ЮНЕСКО) деб таъкидлаган.

Маълумки мамлакатимиз олий таълим муассасаларида “Меҳнат муҳофазаси” фанини ўқитиш жараёнида инновациялар ва илғор хорижий тажрибаларни қўллаш бугунги куннинг долзарб масаларидан бири ҳисобланади.

Аввало “Меҳнат муҳофазаси” фанидаги янгилик нима? Фандаги инновация нима? деган саволларга жавоб бериш лозим. Бугунги кунда амалиётда янгилик ва инновация сўzlари ўртасида фарқлар мавжуд. Янгилик бу фандаги энг сўнгги ютуқлар, билимлар, усуллар ҳисобланади. Ушбу ютуқлар, билимлар, усуллар амалда қўлланилиши билан инновацияга айланади.

Бугунги кунда “Меҳнат муҳофазаси” фанини ўқитишда ривожланган хорижий мамлакатлардаги қўйидаги интерфаол таълим методлари ва технологияларини қўллаш таълим савиясини ошишига хизмат қилади. Қўйида шундай интерфаол таълим методлари ва технологияларини бир нечтасини келтириб ўтамиз[11,12].

Натижа ва мунозаралар. Жамият ривожининг бугунги кундаги босқичи бевосита, технологияларнинг такомиллашуви билан характерланади. Замонавий технологик жараёнлар ҳар қандай соҳага ўз таъсирини ўтказмоқда. Айниқса, ахборот узатиш тизимида тобора янги ўзгаришлар ва технологоялар ривожланиб, кучайиб бормоқда. Инсонларда ахборот ва коммуникацион технологиялар ҳамда компьютер технологиясидан фойдаланишга бўлган эҳтиёж кучаймоқда ва улар такомиллашмоқда.


Республикамиз таълим соҳасида улардан фойдаланиш ўқитиш сифатини оширишга, ўқувчиларнинг фикрлаш доирасини ошириш ва кенгайтиришга, уларда мустақил ўзлаштириш фаолиятини кучайтириш ҳозирги замоннинг долзарб масаласига айланиб қолди.



Интерфаоллик талим олувчиларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этиш лаёқатига эгаликлари. Мантиқий нуқтаи назардан интерфаоллик, энг аввало, ижтимоий субъектларнинг сұхбат (диалог), ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракат, фаолиятни олиб боришларини ифодалайди.

“Интерфаол” тушунчаси инглиз тилида “interact” (рус тилида “интерактив”) тарзида ифодаланиб, луғавий нуқтаи назардан “inter” – ўзаро, “act” – ҳаракат қылмоқ қаби маъноларни англатади.

Интерфаол таълим – таълим жараёни иштирокчиларининг БКМ ҳамда муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этишга асосланувчи таълим.



Интерфаол методлар таълим жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, талаба ва талабалар групти ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгалик асосида ташкил этилади. Бу жараёнда уларда

- эркин фикрлаш;
- шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш;
- муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш;
- ўқув материалларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш;
- “ўқитувчи-талаба-талабалар групти”нинг ўзаро бир-бирларини хурмат қилишлари;
- бир-бирларини тушунишлари;
- бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари;



- бир-бирларига самимий муносабатда бўлишлари;
- руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади.

Интерфаол методлар моҳиятига қўра сухбатнинг “талаба-ахборот-коммуникацион технологиялар” шаклида ташкил этилиши талabalар томонидан мустақил равишда ёки ўқитувчи раҳбарлигига ахборот технологиялари ёрдамида билим, кўнишка, малакаларнинг ўзлаштирилишини англатади.

Энг муҳими, интерфаол методларни қўллаш орқали ўқитувчи талabalарнинг аниқ таълимий мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш, йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали холис баҳолаш имкониятини қўлга киритади.

Ўқув жараёнининг интерфаол методлар ёрдамида ташкил этилиши бир қарашда ниҳоятда оддий, содда, ҳатто “болалар ўйини” каби таассурот уйғотади. Бироқ, бунда ўқитувчининг маълум даражада қўйидаги омилларга эга бўлиши талаб қилинади:

1. Иш тажрибаси.
2. Методик малака.
3. Таянч педагогик-психологик билимлар.
4. Ташкилотчилик қобилияти.
5. Дидақтик воситалар (ахборот, тарқатма материаллар, дарс жиҳозлари)га эга бўлиш.
6. Талаба ва талabalар групҳи ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ишонч ва ҳурматга асосланиши.
7. Талаба ва талabalар групхининг ўзаро ҳамкорликка эриша олиш.
8. Таълим жараёнида демократик ғояларнинг устувор ўрин тутиши.
9. Ахборотларни тақдим этишда хилма-хил метод, воситаларнинг самарали, ўринли, мақсадга мувофиқ ва ўзаро мослиқда қўллашга эришиш.

1. “Икки сахифали кундалик” график органайзер (ГО). Мазкур ГО талabalарга ўрганилган мавзу бўйича таянч тушунчалар моҳиятини қанчалик ўзлаширилганлигини таҳлил қилишга ёрдам беради. ГО билан ишлашда талabalар қўйидаги жадвал кўринишдаги тайёр иш қоғозини билан ишлайди ёки дафтарларида жадвални тасвирлашади:

1-саҳифа	2-саҳифа

Жадвал асосида таянч тушунчаларнинг моҳияти ёритиб берилади. Кундаликнинг биринчи сахифасида мавзуга оид энг муҳим тушунчалар, иккинчи сахифасида эса



уларни мантиқан тўлдирувчи тушунчалар, уларнинг шарҳлари ёки назария, билимларнинг асослари, уларнинг таркибий элементлари қайд этилади. Масалан: “Мамлакатшунослик” ўқув фанининг “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти: хавфсизлик муаммолари” модули бўйича ишлаш чоғида кундаликнинг саҳифаларида куйидаги таянч тушунчалар, билимлар асослари ёритилиши мумкин:

1-саҳифа	2-саҳифа
таҳдид	
хавфсизлик	
барқарорлик	
концепция	

2. “Гугурт доналари” стратегияси. У ўқув материалларининг талабалар томонидан ўрганилган қай даражада эгалланганлигини аниқлаш мақсадида қўлланилади. Стратегия талабаларга ўқув материалининг мавзусидан келиб чиққан ҳолда турли муаммоли масала ёки вазиятларни яратиш, мавзунинг асосий таянч тушунчаларини ажратиб олиш, уларни изоҳлаш, таҳлил қилиш, таърифлашда ёрдам беради. Шунингдек, стратегия машғулот давомида ҳар бир талабага турли топшириқларни индивидуал бажариш, унинг устида мустақил ишлаш имконини беради. Бу стратегия талабаларда бир қатор тарбиявий характердаги, яъни: мустақил ишлай олиш; мулоқатга киришувчанлик; хушфеъллик; ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш; фаоллик; фаолиятга ижодий ёндашиш; фаолиятнинг самарали бўлишига қизиқиш ва интилиш; ўзини ўзи баҳолаш каби сифатларни шакллантиришга ёрдам берди.

Ўқитувчи талабаларга гугурт доналари ёки оддий

ињилчалик иштаганига ташлаб оптишиб тақтишиб этади

Талаба ўз хоҳишига кўра гурурт доначалари

ёки оллий чўпларни танлайли

Ҳар бир талаба танланган гугурт доналари ёки оддий чўпларнинг

сонига кўра мавзуга оид таянч тушунчаларни ажратиб кўрсатиб, уларнинг ҳар бирига изоҳ беради ёки қоидаларни айтади

Изоҳ: талабалар томонидан танланган ҳар бир гугурт донаси ёки оддий чўп биттадан тушунчани таърифлаш шартлигини англаатади. Шунга кўра талаба



агарда иккита гугурт донасини танлаган бўлса, у ҳолда иккита тушунчани ажратиб кўрсатиб, уларни таърифлайди. Гугурт доналари сонининг ортиб боришига қўра тушунчалар сони ва уларга бериладиган таърифлар миқдори ҳам кўпайиб боради.

Кўлланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
2. “Student Response Systems Overview” (2004). Retrieved 19 February 2005 from the University of Minnesota, Office of Classroom Management, Classroom Support web site: http://www.classroom.umn.edu/notes/support_srs.html.
3. “Student Response Systems” Teaching at Mizzou: A Guide for New Faculty, Graduate Instructors and Teaching Assistants website. Retrieved 4 March 2005 from: <http://teachandlearn.missouri.edu/guide/chapters/activelearning.htm>.
4. Sulaymonovich S. S., Murtozayevich N. S. Studying and accounting sports injuries //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 7. – С. 759-763.
5. Shovqiddin N. et al. Prevention Of Sport Injuries //Solid State Technology. – 2020. – Т. 63. – №. 6. – С. 11868-11875.
6. Shovkiddin Narziev, Sunnatilla Sulaimanov. To the investigation of the tension of the inter-cracked ligaments knee joint //International Journal of Research Available at [https://www.ijsr.net/docs/Vol 06 Issue 01 January 2019. 731-735 page.](https://www.ijsr.net/docs/Vol%2006%20Issue%2001%20January%202019.pdf)
7. Sulaimanovich S. S., Murtozaevich H. S. Causes and Prevention of Athlete Injuries During Training Sessions and Competitions //JournalNX. – С. 325-329.
8. Narziev S. et al. Theoretical analysis of the causes of injury in sports activities and their reduction measures //Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems. – 2020. – Т. 12. – №. S2. – С. 166-170.
9. Shovkiddin N. et al. Problems of Ensuring the Safety of Sports Activities and Reducing Injuries //Journal of Critical Reviews. – 2020. – Т. 7. – №. 11. – С. 428-432.
10. Ишмуҳамедов Р., Мирсалиева М “Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари” Тошкент 2014 й.
11. Нарзиев Шовкидин Муртозаевич, Раҳимова Азиза Ҳусан Кизи ПРИМЕНЕНИЕ И АНАЛИЗ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ МЕТОДОВ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ // ТЕСНика. 2021. №1 (5). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/primenenie-i-analiz-pedagogicheskikh-metodov-v-uchebnom-protsesse> (дата обращения: 08.04.2021).



12. Нарзиев Шовкиддин Муртозаевич, Ботиров Акбар Бахриддинович
БЕЗОПАСНОСТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЧЕЛОВЕКА МЕТОДЫ ИЗУЧЕНИЯ И АНАЛИЗА
РИСКОВ В ТРУДОВОМ ПРОЦЕССЕ // ТЕСНика. 2021. №1 (5). URL:
<https://cyberleninka.ru/article/n/bezopasnost-deyatelnosti-cheloveka-metody-izucheniya-i-analiza-riskov-v-trudovom-protsesse> (дата обращения: 08.04.2021).